
Мажлис давомида хусусий бандлик агентликлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига, шу жумладан, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида **бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.Мухиддиновнинг** ҳисоботи тингланди.

Мажлисида **ички ишлар вазири ўринбосари Я.Абдулҳақов** ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан хусусий бандлик агентликларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш, дастлаб тергов давомида олиб қўйилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар ҳисобидан фуқароларга етказилган зарарни қоплаб беришни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар, шунингдек, **Мажбурий ижро бюроси директори ўринбосари З.Холмуҳамедов** хусусий бандлик агентликлари фаолияти-

дан жабр кўрган фуқароларга пул маблағларини ундириб бериш бўйича чиқарилган суд ҳужжатларини ижро этиш ҳолати тўғрисида ҳисобот берди.

Пандемия сабабли фуқароларни Жанубий Кореяга ташкилий тарзда ишга юборишда юзага келган муаммолар ва ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар, жумладан, Корея томони билан ўтказилган музокаралар ва эришилган келишувлар натижадорлиги юзасидан **Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи Х.Умаровнинг** ҳисоботи тингланди.

Мажлис давомида хусусий бандлик агентликлари мансабдор шахслари томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш, улардан жабр кўрган фуқаролар билан ишлаш ва етказилган зарарни ундириш, шунингдек, Жанубий Кореяга фуқароларни ташкилий тарзда ишга юборишни ташкиллаштиришда йўл қўйилган камчиликлар кўриб чиқилиб, вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилиши белгиланди.

Мажлис якунида вазирлик ва идораларга хусусий бандлик агентликлари фаолиятдан жабр кўрган фуқаролар билан манзилли ишлаш, уларга етказилган зарарни ундиришни тезлаштириш, шунингдек, пандемия шарoитини ҳисобга олган ҳолда фуқароларни Жанубий Кореяга ташкилий тарзда ишга юборишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

МИННАТДОРЛИК

САНЪАТСЕВАР ХАЛҚИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН



Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Камтарона меҳнатларимни, санъатимизни қадрлаб эъозлаган Президентимизга, халқимга ҳамisha хизматдаман. Бундай юксак эътироф мен учун қўтилмаган катта совға бўлди. Ва бу мукофот айна пайтда мақом ижрочилигида ижод қилаётган, изла-

наётган ҳамкасбларимнинг, шоғирдларимнинг ютуғи, деб биламан. Улар бу хушхабарни эшитишганида мендан-да кўпроқ хурсанд бўлишди. Санъатимизга берилётган эътибордан фахрланишди. Устозларим Фаттоҳон Мамадалиев, Ҳабиба Охунова, Шавкат Мирзаевларнинг ижрочилик маҳорати ҳақида сўхбатлашдик. Устоз санъаткорларимиз берган сабоқлар туфайли биз, шоғирдлар, ўзининг теран фалсафаси, илоҳий қудрати билан минг-минглаб қалбларни мафтун этадиган мақом садолари баралла янгради. Биз учун бебаҳо бадий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келаётгани билан эътиборга молик. Шарқ мумтоз адабиёти, тасвирий санъати, илму маърифат, илмий қадриятлардан озиқланган мақом санъатига — ана шундай буюк маданий мерос ривожига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўшган билан биз ҳақли ра-

вишда фахрланамиз. Бу ноёб бойлиқни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол етказиш биз ижодкорларнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳар гал мақом ашулаларини тинглаганимизда, қуйлаганимизда, қалбимизга жо қилганимизда руҳиятимиз таскин топади. Илоҳий куч қалбимизни нурга тўлдиради. Бу нур — маънавиятдир. Шу боис, давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида ёшларимизни маънан қучли қилиб тарбиялашда миллий муסיқий санъатимиз хазинасини ўрганишимиз, изланишимиз зарурлигини қўбора таъкидлайди. Янги Ўзбекистоннинг руҳи тоза, маънавияти юксак, нигоҳлари тийрак авлоди етишиб келмоқда. Улар устозларимиз асраб-авайлаган санъатимизни ўрганишлари, давом эттиришлари керак. Мана шу жараёнда мен ҳам санъатим, меҳнатим билан иштирок этаётганимдан фахрланаман.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги олдидан ҳар биримиз юртимиз қорига ярағувчи кичик бир мақсадни дилга тусгаск ҳам, уларнинг барчаси жамланиб жуда катта кучга айланади! Эзгу ниятларга ошно юртдошларимизнинг барчасини энг улғу ва энг азиз байрамимиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Юртимиз осмони ҳамisha мусаффо бўлсин. Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛ



Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент молия институтини
ректору, иқтисодий фанлари
доктори, профессор

Мамлакатимизда халқаро стандартлар талабига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бугунги куннинг долзарб масаласи эканидан келиб чиққан ҳолда, соҳада жадал ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, янги олий таълим муассасалари ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий йўналиш ва мутахассисликлари ҳамда сиртки ва кечки бўлимлар очилиши, қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлардир.

Таълим даражаси ва сифати давлат учун ҳам, фуқаролар учун ҳам зарур. У инсон капиталининг сифат кўрсаткичи ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил. Ҳозир таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида юртимиз кўп позициялар бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига эришди.

Бироқ ёшларни касбга тайёрлаш билан боғлиқ айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан яхшилаш масаласини ҳал этиш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Айтиш жоизки, ҳозир маълум маънода дунё бўйича таълим сифати пасайиб борапти. Бу тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатларда умумжаҳон муаммосига айланмоқда. Мавжуд камчиликлар касбий таълим, айниқса, олий таълим муассасаларида аққол намоён бўлмоқда. Кўпчилик тадқиқотчилар муаммонинг илдири сифатида мактабдаги ўқитиш самарадорлиги ҳамда абитуриентларни тайёрлаш даражаси пасайганини кайд этади.

Мутахассислар фикрича, ҳозир тала-

балikka тайёрлаш даражаси ўтган асрнинг 70-80 йилларидагига нисбатан анча паст бўлиб, бундай ҳолат жамиятда таълимнинг умумий инқирозидан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи бундай инқирозни илм-фан ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа турларига қизиқишнинг пасайиб кетиши оқибати, деб ҳисоблайди.

Касбий таълимдаги муаммоларнинг бир неча тури мавжуд. Бир томондан, ўқув муассасаларини молиялаштиришнинг бозор тамойилларига ўтгани аҳоли ижтимоий заиф қатламнинг таълим олиш имкониятини чегаралаб қўйди (талабаларнинг яримдан кўпи тўлов шартнома-си асосида қўйди). Иккинчи томондан, муайян тарихий ва маданий қадриятлар, оилада қизлар тарбияси борасида шаклланган анъаналарга кўра, қизлар ва аёлларнинг оила ва ижтимоий ҳаётдаги роли тўғрисида маълум қарашлар мавжуд. Бундай омиллар хотин-қизларнинг таълим олиши ва касб танлашига таъсир қилмайди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шаклланган анъаналарга кўра, қизларнинг ўқиши тўғрисидаги қарор ота-онанинг уйда ҳам, турмушга чиққандан сўнг турмуш ўртоғининг уйда ҳам катталар томонидан қабул қилинади. Қизлар, ҳатто аёллар ҳам уларнинг қарорига бўйсунганини таълим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда бу масалага давлат даражасида катта эътибор қаратилиб, ижобий ечимларга эришилди. Жумладан, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида ва магистратура босқичида тўлов-контракт асосида тахсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилди. Унга кўра, тижорат банклари таълим кредитларини Марказий банкнинг асосий ставкасида (ҳозирги кунда 14 фоиз) ажратади. Ресурслар Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилади. Таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Бу эса ота-оналар учун ҳам жуда катта енгилликдир. Таълим кредитини расмийлаштириш ва уни қайтаришда талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари биргаликда қарз олувчи сифатида қатнашлишига рухсат этилади.

“Ижтимоий химоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандларидан эса, таълим кредити учун гаров ва қафиллик талаб этилмайди. Таълим кредити бўйича тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун Молия вазирлиги ҳузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ташкил этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим муассасаларида талабалikka қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари бакалавриятнинг кундузги

таълим шаклига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Президент гранти жорий қилинади. У давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўқиш якунига қадар Президент грантини узлуксиз олган талабалар бакалаврият таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинади.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон аҳолисининг ёш ва гендер хусусиятларини инобатга олган ҳолда миллий таълим тизимига, ҳусусан, илм-фан, технология, муҳандислик, санъат ва математика таълимига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-иқтисодий муаммолари орасида



ёшлар ишсизлиги қаттиқ хавотир уйғотмаса-да, уларни меҳнатга фаол жалб қилиш марказий ўриндаги масаладир. Шунинг учун ҳам юртимиз меҳнат бозорига ёшларнинг ўрни жамият иқтисодий-иқтимоий ҳаётидаги муҳим кўрсаткичлардан бири саналади. Шу билан бирга, ёшлар иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатга лаёқатли, тез ўрганувчи, юқори жисмоний кучга эга гуруҳи ҳисоблана ҳам ҳозирги меҳнат бозорига уларнинг ишсизлигини тадқиқ этиш жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг бандлигини таъминлаш, ёшлар меҳнат бозорини тартибга солишга давлат сиёсатининг долзарб муаммоларидан бири сифатида қаралади.

Дунё рейтингига юқори ўринда турувчи Массачусетс технология институтини, Кембрик ва Оксфорд университетларининг ийпик дарамади айрим давлатларнинг кўрсаткичидан юқори. 12 минг нафарга яқин талаба ўқийдиган биргина Массачусетс технология институтининг жамғарма капитали 18 миллиард доллардан ошди. Мазкур мабланнинг катта қисми илмий тадқиқотлар, битирувчилар ва хайрия ҳисобидан шакллантирилган бўлса, таълим олиш учун тўланадиган контракт маблағлари улуши институт жамғарма капиталида 20 фоизини ташкил этади.

Олий таълим муассасалари иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда таълим ва тадқиқотлардан тортиб, то тадбиркорлик ва ҳамкорликка қадар функционал йўналишларни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ. Бу жараён олий таълим муассасаларининг нафақат таълим хизматини кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятини рағбатлантириш, балки уларнинг долзарб йўналишларда тадқиқот олиб бориши, ўз тадқиқотларини тижорийлаштириш орқали даромад қўриши ва бу орқали мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнаши, бир сўз билан айтганда, “тадбиркор олий таълим муассасалар”га айланиши учун ҳам муҳим.

Агар олий таълим муассасалари тадбиркор бўлса, илмий тадқиқотлар янги хизмат, фаолият ёки маҳсулот ишлаб

ма оқилона ташкил этилган иш ўрни учун рақобатда ўз ишининг мутахассислари устунликка эришади. Лекин бугунги кунда иқтисодий нофаол аҳолининг 69 фоизини 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилиши яхши ҳолат эмас.

Бундай вазиятда ёшлар меҳнат бозорини ривожлантириш, уларнинг касбий ҳаракатчанлигини ҳисобга олган ҳолда талаб ва таклифларини ўрганиш, ёшларни касбга йўналтириш дастурларини амалга ошириш гўят муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш, айниқса, COVID-19 пандемияси шарoитида янада долзарб-лашмоқда. Шу билан бирга, пандемия даврида “Буюк ёпилиш” атамаси билан кириб келган иқтисодий ҳолат халқаро ҳужалик алоқаларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, Халқаро меҳнат ташкилотининг 2020 йил биринчи чораги якуни бўйича эълон қилган мониторингини натижаларига кўра, COVID-19 пандемияси туфайли глобал миқёсда миллионлаб иш ўринлари тўлиқ ёки қисман ёпилиди. Бу эса жаҳондаги иш билан банд аҳолининг 81 фоизига таъсир қилган.

Меҳнат бозорига кириб келаётган иш кучи ресурслари, жумладан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, малакасини ошириш, иш бевувишлар талабига мослаштириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади.

Ортиқча ишчи кучининг мамлакатдан ташқарига чиқиб, иш билан банд бўлишига табиий ҳолат деб ҳам қараш мумкин, аммо меҳнат ресурсларининг норасмий тарзда юртдан торт этиши ва чет элларда меҳнат қилиши уларнинг ҳуқуқий асосини йўққа чиқариш хавфини юзага келтиради. Норасмий мигрантлар чет мамлакатларда асосан норасмий секторда банд бўлади. Бунинг натижасида уларга ҳеч қандай ҳуқуқий қафолат берилмайди. Шунинг учун меҳнат бозоридagi аҳолини ўрганган ҳолда ички миграцион сиёсатни фаворит олиб бориш мақсадга мувофиқ. Ички миграция туфайли янги-янги табиий бойликлари ишга солиш, янги ерларни ўзлаштириш, иқтимоий ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш мумкин. Аммо миграциянинг давлат манфаатларига мувофиқ бўлмаган йўналиши, яъни аҳолининг меҳнат ресурслари билан тўла таъминланган ҳудудларга қўчиб ўтиши юзаси қараганда, ижобий қўринса-да, аспиди салбий натижага олиб келади.

Бу ўринда олий таълим муассасалари ва иш бевувиш ташкилотлар ўртасида ўзвий алоқаларни мустаҳкамлаш долзарб масаладир. Жумладан, таълим дароҳида иш бевувишларнинг амалий лабораторияси, ўқув-амалиёт аудиториялари, илмий-тадқиқот марказларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бу иштирокчи томонлар учун ҳам манфаатли бўлади. Иш бевувиш малакали кадрга, олийгоҳ сифатли таълим бериш имкониятига, талаба назарий ва амалий билимга эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон меҳнат бозоридagi ҳолат халқаро ташкилотлар томонидан ўрта даражада ривожланаётган деб баҳоланмоқда. Мамлакатимизнинг ўзига хос демографик ривожланишини, шунингдек, ҳар йили меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ортиб бораётгани, меҳнат бозорига биринчи маротаба қадам қўйганлар сони йилга ўртача 500 минг кишини ташкил этаётганини инобатга олсак, ҳозирги кунда шаклланаётган рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозоридagi вазиятга қўшимча юклама бериши эҳтимоли мавжуд.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши аҳоли бандлигини янги барқарор иш ўринлари яратиш орқали оширишга қаратилган вазифаларни ўз ичига олади. Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятига оид ислохотларнинг қайта қўриб чиқилгани мамлакатимиз меҳнат бозорига устувор мақсадларга эришиш йўлида қатъий қадмлар қўйганидан далолат.

Ҳозирги ахборот асрида жамият янада барқарор ривожланиши ва тараққиётга эришиши учун рақамли билим ва ахборот технологияларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки дунёнинг кўп давлатларида, айниқса, ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт тез суръатда ўсмокда. Лекин унинг тушунчаси ва миқдорий кўрсаткичлари, алоҳида соҳа ва тармоқларга таъсир доираси тўғрисидаги маълумотлар зиддиятга ва чекланганлигига қолмокда. Энди рақамли давр келиб чиқшини аниқ тушунишнинг ўзигина етарли бўлмайди. Унинг истифодаси, ижтимоий-иқтисодий тармоқларга кириб келиши ва уларга қий даражада таъсир этишини прогноз қилиш жуда муҳим.

Замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши даражасига кўра, ҳозирги кунда энг ривожланган мамлакатларда “Саноат 4.0” ёки “Рақамли иқтисодиёт” деб номланган янги саноат инқилоби кузатиломқда. Олдинги тараққиёт босқичларини ўз ичига олган янги инновацион иқтисодиётда ҳаётнинг жисмоний, рақамли, ижтимоий ва биологик жабҳаларидаги чегаралар аста-секин йўқолиб бораётганини ХХ аср охири — ХХI аср бошидан ривожлана бошлаган мамлакатлар тажрибаси мисолида аққол кузатиш мумкин.

Рақамли технологияларни яратиш ва бошқариш бўйича янги касблар ҳамда иш ўринлари пайдо бўлди. Келгусида касб тушунчасининг ўзи ҳам туб ўзгаришларга эга тутади: ишчининг маълум мутахассислик бўйича олган билим ва кўникмаси турғун ва барқарор бўлмай қолади. Янги иқтисодиётда рақобатбардoш бўлиш учун ишчилардан бир неча босқичли кўникмалар талаб этилса, иш бевувишлар ишчилар сонига эмас, балки “skills stock”, яъни “кўникмалар портфели”га эътибор қаратиш зарур бўлади.

МУНОСАБАТ

ЮРТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ НУРАФШОН ЖАМОЛИ



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига берган жавоблари мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти теран очиб берилгани, танлаб олган йўлимиз барчамизни нури манзилларга элтишига, амалга оширилаётган ишлар қатъият билан давом эттирилиши ва манتيқий якунига етказилишига бўлган ишончимизни мустаҳкамлагани билан халқимизни қатъан мамнун этди.

Хар қандай баландпарвоз, ҳавойи гаплардан холи, нихоятда аниқ факт ва далилларга, чуқур таҳлил ҳамда неқбин ҳулосаларга бой ушбу интервьюни қўнг билан мутолаа қилган ҳар бир инсоннинг кўз олдида янги Ўзбекистоннинг бугунги қиёфаси, эртанги нурафшон жамоли яхлит бир полотно сифатида намоён бўлади, десак муболага қилмаган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир саволга аниқ, батафсил жавоб берган. Фикрларини ҳаётий мисоллар асосида исботлаган. Президентимиз сўзларидан Ватанимиз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб мамлакатимизда янги давлат ва жамият қуриш жараёنларида фаол иштирок этиб келган атоқли раҳбар, бугунги кунда эса янги Ўзбекистонни барпо этиш концепциясининг ташаббускори ва уни амалга ошириш йўлидан барчамизни дадил олдинга бошлаб бораётган миллий етакчи сифатидаги қобилияти намоён бўлади. Эски бошқарув тизимининг ҳамма нуқсон ва камчиликларини, аҳолини қийнаётган дарду муаммоларни қўйи бундан бошлаб, ич-ичидан, бошқалардан кўпроқ бўлиши, халқимизнинг орзу-армонларини теран ҳис қилиши акс этади.

Жумладан, Президентимиз мамлакатимиздаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни жорий этишга устувор аҳамият берилаётгани сабабини изоҳларкан, давлат халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган органилиги, турли мансаб эгалари уларга овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга хизмат қилиши ҳар томонлама тўғри ва адолатли эканини таъкидлайди. Ана шундай тамойиллар асосига қурилган давлат ҳокимиятигина том маънода ҳалқчил, демократик ҳисобланишини, бундай давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий илдишлари мустаҳкам ҳамда бақувват бўлишини қайд этади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун демократик ислохотларимиз ортага қайтмайдиган тус олди. Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очкичлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда.

Хусусан, Маданият вазирлигининг ҳам эшиклари халқимиз учун ҳамيشа очик, қабулхонамиз, электрон почтамыз, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз туну кун юрдошларимизнинг murojaatlariни қабул қилишга шай. Уларни мунтазам кузатиб ва назорат қилиб борамиз. Маданият ва санъат соҳаларини янада тараққий эттириш, маъжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар бўлса, албатта, уларни эътиборсиз қолдирмаймиз.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси миллий тараққиёт йўлимининг мутлақо янги дастуруламалига айланди.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳатто коронавирус пандемияси жаҳоннинг кўлаб

давлатларини оғир аҳволга солиб қўйган ҳозирги танглик шароитида ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши изчил такомиллаштирилаётгани, қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизими янада ислоҳ этилаётгани, миллий иқтисодиёт тармоқлари модернизация ҳамда диверсификация қилинаётгани, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлиги ва реал даромадларини оширишга эътибор қўйилгани, хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлашга қаратилган ҳамда чуқур уйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритилаётганини дунё жамоатчилиги, халқаро экспертлар, мутахассислар алоҳида эътироф этмоқда.

Ватанимиз тараққиётининг янги даврида маданият ва санъат соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ривожини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлида қатор тизимли ислохотлар амалга оширилдики, пировард натижада миллий маданиятимиз жаҳонга янада кенг қўлоқ ёзди, миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишга қўлай шарт-шароитлар яратилди. Навқирон авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ёш иқтидорларни кашф этишнинг янги механизмлари ҳаётга татбиқ қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ўтган тўрт йил давомида соҳани янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 4 та қонуни, Президентимизнинг қатор фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Мазкур тарихий ҳужжатларнинг ўзига хослиги ва аҳамияти ҳақида узоқ гапириш, ҳаётбахш самараларини кенг таҳлил қилиш мумкин. Уларнинг ҳар бири халқимизнинг маданий ҳаётида улкан узгаришлар ясади, десак аниқ ҳақиқат.

Масалан, Президентимизнинг 2020 йил 26 майдagi “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомил-

“ФИКРЛАРНИНГ ҲАР БИРИ ҚАЛБИМИЗДА ЁРУҒ ТУЙҒУЛАР, КЎТАРИНКИЛИК, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ, АЙНИ ДАМДА МАЪСУЛИЯТ ҲАМ ЮКСАЙДИ. ЗОТАН, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАШИГА ЭРИШИШ БИЗ УЧУН БУНДАН БУЁН ҲАМ БОШ МАҚСАД БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини олайлик. Ушбу ҳужжатлар қабул қилинганга қадар, тан олишимиз керак, соҳада узоқ йиллардан бери ўз ечимини кутиб ётган, халқ тили билан айтганда, оёғимизга кишан бўлиб турган муаммолар талайгина эди. Унда халос бўлмасдан туриб, соҳа тараққиёти ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмасди. Мазкур фармон ва қарор ана шу долзарб масалаларни самарали ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Энг катта янгиликлардан бири сифатида санъаткорларнинг интеллектуал ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги тизими жорий этилганини қайд қилиш жоиз. Яъни санъаткор, ижодкорлар ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилди ҳамда унга бир қатор ваколатлар берилди. Мазкур палата, биринчи навбатда, ижодкорлар томонидан яратилаётган асарларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади. Бу санъаткорни ўз иқтидорини намоён этишга, умрбоқий асарлар яратишга ундайди. Зеро, у мана шу яратаётган ижод намунаси чинакам санъат асари даражасига кўтарилса, унга бўлган талабдан бутун умр моддий рағбат топишини билади. Шунингдек, мазкур палата бугунги кунда баъзи тортишувларга, соҳада келишмовчиликларга сабаб бўлиб турадиган кўчирмақашлик иллатига қарши курашади.

Президентимиз ўз интервьюсида “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — яқин ва олис таърихимиз, бетакор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимининг янги босқичда давом этириш демақдир”, дея алоҳида таъкидлайди.

Кўзгу

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда маданий-гуманитар йўналишда — маданият, кино, рақс ва тасвирий санъат соҳаларини, адабиёт ва китобхонликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар халқимизга ўзлигини чуқур англатишга, бетакор ва ноёб маданий бойликларимизни тадқиқ ва тарғиб этишга, миллий ғурурни юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди. Беш муҳим ташаббус асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари замон андозалари асосида таъмирланмоқда, жиҳозлар ҳамда мусиқа асбоблари билан таъминланяпти. Уларда турли тўғарақлар очилаётир. Буларнинг барчаси асрлар оша ажодлардан авлодларга ўтиб келаётган ноёб санъат намуналарини янада чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар қалбига уларга нисбатан ҳурмат ва садоқатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда 15 апрель санасининг Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни сифатида кенг нишонланаётгани соҳа ходимлари қадри ҳамда мақоми юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси ва ташаббуслари сабаб халқимизни шу вақтга қадар қийнаб келган “прописка”, хорижга чиқиш учун “стикер”, мажбурий меҳнат, валюта айирбошлаш, Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳамда уларни рўйхатга қўйиш билан боғлиқ муаммоларнинг бутунлай бартараф этилгани ижод аҳлининг ҳам орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Хусусан, вазирлигимиз ходимларининг 17 нафарига хизмат уйлари берилди. 40 нафарига имтиёзли шартлар асосида “кичик ватан”ли бўлишида қўмақлашилди. 300 нафардан ортиқ ходим Тошкент шаҳрига “прописка” қилинди.

Ана шундай ўзгаришлар сабаб бугун одамларда адолатга, ҳақиқатга ишонч пайдо бўлди. Шу билан бирга, юртимизда қарор топган эркинлик муҳити боис, ҳозирги кунда юрдошларимизда турли даражадаги раҳбар ва мансабдорларнинг иш фаолиятига ҳолисона баҳо беришга, камчиликларни ошкора танқид қилишга шарт-шароитлар яратилди. Бу ҳам одамларнинг ҳаётга бошқача кўз билан қарашига, жамият уйғоқлигига туртки бераётир.

Маънавий уйғоқ жамият, Президентимиз таъбири билан айтганда, бу, ҳеч шубҳасиз, қудратли кучдир. Айтиш керакки, мамлакатимизда юртилаётган очкичлик, ошкоралик сиёсати боис, бугун сенатор ва депутатлар, ҳокимлар, вазирлар, турли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иш тутумида ҳам янги тамойиллар устуворлик касб этмоқда. Барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қўғозда эмас, амалда жиддий шугулланмоқда.

Президентимиз ўз интервьюсида мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифаларга алоҳида тўхталган. Жумладан, мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлган ижтимоий сиёсатини изчил давом эттириш, янги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, ҳозирги глобал пандемия даврида тадбиркорларни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймаслик, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр секторни замон талаблари асосида ривожлантириш, халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини асраш, маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш бугунги ва келгуси тараққиётимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлишини таъкидлайди.

Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонни барпо этишда ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқ ва уйғун жиҳатлари, Президентнинг жойлардаги вакиллари бўлган ҳокимларнинг иш фаолияти, халқ билан мулоқот қилиш, унинг фикрини олишда “бўшлик”ни тўлдирishга қандай эришаётгани, юртимизда аҳоли учун энг долзарб ва ўткир ҳаётий масала бўлган замонавий турар жойлар, арзон уй-жойлар қурилиши истиқболлари ҳақида мулоҳаза юритган. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва асосий вазифалари, хотин-қизларнинг ўқиши, билим олиши, меҳнат қилиши, уларнинг соғлигини сақлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, хонадонларимизнинг файзу фароғатини бўлган кекса авлод вакиллари, мухтарам факриларимизга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалий ишларнинг келгуси ривожига ҳақиқатда саволларга ҳам батафсил, содда тилда ва самимий жавоблар берган.

Фикрларнинг ҳар бири қалбимизда ёруғ туйғулар, кўтаринкилик, эртанги кунга ишонч, айнаи дамда маъсулият ҳам юклайди. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, юртимиздаги ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг янада эркин ва фаровон яшашига эришиш биз учун бундан буён ҳам бош мақсад бўлиб қолади.



САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Уни ташкил этишда ҳуқуқий тамойилларга амал қилиш зарур

Мамлакатимизда жорий йил 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида тайёргарлик жараёни қизғин босқичга кирди. Ҳадемай, ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг асосий босқичларидан бири — Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади.

Сайловолди ташвиқотини ташкил этиш тартиби қонунчилигимизда қандай акс этган?



Мавлуда АҲМАДШОЕВА,
Тошкент давлат юридик
университети профессори,
юридик фанлар доктори

Айтиш керакки, Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомда Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби белгиланган.

Сайлов қонунчилигига кўра, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчиларни номзодни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир. Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланади ва овоз беришга бир кун қолганда тугайди.

Амалдаги тартибга кўра, номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб бориш борасида тенг ҳуқуқларга эга. Айнаи пайтда номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши учун унинг номидан ишончли вакиллар сайловолди ташвиқотини олиб бориши мумкин. Сайловолди ташвиқоти доирасидаги тадбирларда номзодларга ўзининг келгуси фаолияти дастури билан сўзга чиқиш ҳуқуқи берилади.

Юқоридаги низомда қайд этилганидек, номзодларнинг дастурлари давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилмаган бўлиши, халқнинг саломатлиги ҳамда маънавиятига таҳдид солмаслиги, уруш, миллий нафрат, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилмаслиги, конституциявий тузумни зўрлик ишлатиб ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини чекловчи ҳаракатларга даъват қилмаслиги керак.

Яна бир муҳим қондага эътибор қаратиш зарур. Яъни номзодларнинг дастурларини уларнинг розилигисиз тахрир қилиш мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка кўра, ташвиқот оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация, интернет ахборот тармоқларида, шунингдек, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Сайловолди ташвиқоти даврида уни олиб боришнинг Сайлов кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомда тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш энг тезкор ва таъсирчан йўналиш саналади. Шу боис, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ эвазига эфир вақти ёки нашр майдони ажратилади. Бу жараёнда Президентликка номзодларга тенг имконият берилишини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бинобарин, амалдаги қонунчиликка кўра, ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра, бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шартлошлар таъминланади.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Ўз навбатида, ташвиқот мақсадида оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар фикрини инобатга олган ҳолда, тегишли сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Маълумки, Президентликка номзодлар сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб боради. Мана шу масалада ҳам номзодларнинг тенглиги таъминланишининг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилиши баробарида, ташвиқот материалларини тайёрлаш, унинг мазмуни ва расмийлаштирилиши масаласида муайян талаблар бор. Хусусан, номзодлар ва сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шакллари ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шартлошлар яратилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида буюртма берган ва тайёрлаган юридик шахслар номи, жойлашган манзили, адади, чиқарилган санаси ва материалга тегишли бошқа ахборотлар кўрсатилиши керак.

Сайловолди ташвиқотида сайловчилар билан учрашувлар катта ўрин тутати. Чунки бу тадбирларда номзодлар, бир томондан, бевосита сайловчилар билан мулоқотга киришади, иккинчи томондан эса, сайловчилар номзод билан жонли мулоқот асосида, қизиқтирган саволларини бериб, номзод ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Шу боис, номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш борасида тенг имконият берилишини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.

Сайловчилар билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар томонидан мустақил равишда ўтказилиб, бу учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат биришмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзодлар учрашувлар ўтказиши учун жиҳозланган хоналари бепул ажратилиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Шу ўринда икки ёки ундан ортиқ номзод уларнинг ишончли вакиллари биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёҳуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақлими, деган савол туғилиши мумкин.

Номзодлар бошқа номзодлар учрашувида ўзи ёки ишончли вакили иштирок этиши мумкин ёки биргаликда учрашув ўтказиши мумкин. Назаримизда, битта йиғилишда икки ва ундан ортиқ номзоднинг иштирок этиши сайловчиларда уларнинг дастурларини ва ўзларини бевосита солиштириш орқали маълум бир фикрга келиш имконини беради.

Шундай қилиб, сайловолди ташвиқоти сайлов жараёнининг муҳим бир босқич бўлиб, унда барча Президентликка номзодлар учун бирдек шарт-шароит яратилиши — демократик сайлов кампаниясининг муҳим шартли ҳисобланади.



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ: ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА



Қобул ТУРСУНОВ,
Навоий вилояти ҳокими

Бошланиш 1-бетда

Бу ҳудудни ота-боболаримиз ибтидоий даврдан макон тутиб, минглаб йиллик тарихда Сармишсой дарасидаги қоятош суратлари, Учтут чамқоктош шахталари, Работи Малик қарвонсаройи ва сардобаси, Нуротанинг ноёб меъморий обидалари билан тараққиёт тамаддунида муносиб ўринга эга, десак янглишмаймиз. Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири билан суҳбатда: “Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” гоёси замирида ана шундай улуг аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғонш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам муҳассас, десак адашмаган бўлаемиз”, деган фикрни илгари сурди.

Ҳақиқатан ҳам, шундай. “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сузлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳаммадан бўлиб янграмоқда, халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳазрат Алишери Навоий номидаги вилоятнинг бугунги яратувчанлик қўламлари, бунёдкорлик шиддати, маданий-маърифий камолот йўлидаги жушқин саъй-ҳаракатлари ҳам буюк боболаримизнинг орзулари рўёбга чиқаётганини, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек вазифаларни бажаришга сидқидилдан ва энг шимариб қиришганини яққол кўрсатиб турибди.

Навоий вилоятида Менделеев жадвалидан жой олган барча маъданлар мавжуд. Шу боис, ҳудудда қончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари саноати барқарор ривожланган. Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот”, “Қизилқумцемент”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятлари ва “Baxt-textile” МЧЖ каби йирик саноат қувватлари фаолият кўрсатади. Уларда йилга 65 триллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари тайёрланади.

Бошқачароқ таърифласак, асосан, вилоятда саноат соҳаси драйвер ҳисобланиб, бу борада республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бешдан бир қисми айнан ҳудудимиз ҳиссасига тўғри келади.

Эришилаётган бундай ютуқлар билан қанчалик фахрланмайлик, саноатнинг вилоят марказига ййгилиб, барча туманларнинг фақатгина аграр соҳага ихтисослашиб қолгани уларда ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтирган эди. Деҳқончиликда

улкан мактаб яратган аҳоли яшайдиган Хатирчи, Қизилтепа каби туманлар узок йиллар субвенция ёрдамида йилни-йилга улаб келарди. Чунки уларда етиштирилаётган пахта хомашёсидан бирламчи қайта ишловчи корхоналарда қўшимча қиймат яратилиб, нари борса, 100-150 киши меҳнат қиларди. Бир сўз билан айтганда, пахтанинг ташвиши бизда-ю, даромади тола билан четга чиқиб кетарди. Бу бир, икки, ҳатто ўн йилдан эмас, заманимизга илк чигит қадалгандан буён давом этиб келаётган ҳолат эди.

Мамлакатимиз раҳбари Навоий вилоятига таширларидан бирида Қизилтепа туманидаги “Тошработ” маҳалласида бўлиб, пахтачиликда кластер усулини жорий этиш, ҳудудларда енгил саноатни ривожлантиришни аҳоли фаровонлиги ва даромадини оширишнинг устувор вазифаси сифатида белгилаб берди.

Шу асосда “Baxt-tekstil” МЧЖ билан ҳамкорликда “Toshrobott textile” корхонаси замонавий технологиялар билан жиҳозланиб, саккиз ойда ишга туширилди. Бу билан қишлоққа фойд, қут-барақа ҳам кирди. Боиси, мазкур фабрикада меҳнат қилаётган минга яқин ёш 457 оиланинг вакиллари ҳисобланади. Бу шунча оилага қўшимча даромад кирди, дегани.

Пахта эндиликда наинки Қизилтепа, балки бошқа ҳудудларда ҳам қўшимча қиймат яратиб, қишлоқларда ободлик, турмушда тўқинлик, фаровонлик имкониятлари зшиғини очди. Хусусан, жорий йилда барча шаҳар ва туманларда 28 та тўқимачилик корхонаси ишга ту-

эл капитали оқими ошишига, ноанъанавий лойиҳалар ишга туширилишига, маҳсулотлар экспорти кўпайишига ҳамда янги иш ўринлари ташкил этилишига замин яратмоқда. Қиёслайдиган бўлсак, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоят бўйича хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 55 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 4,6 баробар кўпайиб, 252 тага етгани унинг юқори салоҳиятидан далолат беради. Натижада вилоятда 211 турдаги янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва уларнинг аксарияти экспорт қилиняпти.

Вилоятда инвестиция лойиҳаларини жорий этишда ҳам шундай ўсиш жараёنлари юз бермоқда. Масалан, 2018 йилда қиймати 622,7 миллиард сўмлик 402 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 3,4 мингта янги иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилда қиймати 17,5 триллион сўмлик 1342 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 16,1 мингта яқин янги иш ўрни очилади. Демак, бундан уч йил олдингига нисбатан бу борадаги кўрсаткич 28 баробар ошади.

Бирлашган Араб Амирликларининг “Abu Dhabi Future Energy Company - Masdar” компанияси томонидан 100 мегаватт қувватга эга қуёш фотозлектр станциясини қуриш ишлари ниятисига етказилаётган бўлса, худди шу компаниянинг имкониятлари Томдани яқинида Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган, 500 МВт қувватли шамол электр станцияси бунёд

лар давомида ўз ечимини қутаётган ижтимоий муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига самарали ечим бўлди. Агар 2017 йилда маҳаллий бюджет ихтиёрида қолган эркин маблағлар бор-йўғи 11 миллиард сўм атрофида бўлса, кейинги уч йилда мазкур кўрсаткич салкам 1 триллион сўмга етиб, қарийб 100 баробар ошди. Бу аҳолини қийнаб келаётган кўп йиллик муаммоларнинг ижобий ҳал этилишида муҳим молиявий асос бўляпти.

Бугун республикаимизни том маънода улкан қурилишлар майдонига қиёслаш мумкин. Кейинги йилларда бунёдкорликлар қўлами янада ошиб, Навоий вилоятида ҳам 2016-2021 йиллар давомида давлат дастурлари доирасида ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 3091,1 миллиард сўм бўлган 526 та ижтимоий ва бошқа соҳа объекти қурилиб фойдаланишга топширилди.

Уй-жой таъминоти аҳоли фаровонлигининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Ўз бошланасига эга кишининг эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади. Вилоятимизда ҳам кейинги беш йилда 716 та қўп қаватли уй-жой қурилиб, унинг қўлами 70 фоиз ошди. Мазкур қурилишларга давлат бюджети ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари йўналтирилиб, 11719 та хонадонли арзон ҳамда тижорат уй-жойлар қалити ўз соҳибларига топширилди. Шу тариқа фуқароларимиз ватан ичра ўз кичик ватанларига эга бўляпти.

Вилоятда 2017 йилда 132 та мактабга таълим ташкилоти фаолият кўрсатиб, болаларнинг 34,1 фоизига қамраб олинган эди. Айни кунларда бу кўрсаткич 78,3 фоизни ташкил этиб, йил якунига қадар 95 фойздан ошishi режалаштирилмоқда.

Таълим соҳасидаги ютуқлар ҳақида сўз бораркан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида вилоятимиздан 33,1 минг ўқувчи ва ўқитувчи якуний сертификатларни қўлга қиритиб, республикада энг юқори кўрсаткич қайд этилганини, мазкур лойиҳа доирасида энг фаол информатика ўқитувчилари ТОП-100 талигининг 25 таси худудимиз вакиллари ҳисобига тўғри келишини эътироф этмоқ жоиз. Шунингдек, бугунги кунда вилоят бўйича 700 нафарга яқин ёш IELTS сертификатини қўлга қиритган, уларнинг 170 нафари мактаб ўқувчиси-дир. Уларнинг барчаси бугунги кунда муддатидан олдин олий таълим муассасалари талабаси бўлишди.

Энг гурурлиги, Навоий вилоятида республика миқёсида ягона бўлган ўқитиш методикаларимиз мавжуд. Мисол учун, вилоятимиз Финляндия билан имзолаган меморандум асосида 2030 йилга қадар 10 000 талаба грант асосида энг нуфузли фин университетларида таҳсил олади. Финляндиялиқ ўқитувчилар айни пайтда Зарафшон шаҳридаги мактабда дарс бермоқда. Шунингдек, IT соҳани ривожлантириш мақсадида Япония IT академияси очилган бўлиб, ҳозир ўз фаолиятини самарали давом эттирмоқда.

Хатирчи туманидаги “Тамбабахрин” маҳалласи олий таълимга ўқувчиларни тайёрлаш таърибаси билан юртимизда машҳурдир. Бу ерда ҳар йили 4000 дан ортиқ ўқувчининг 90-95 фоизи олий таълим бўйича орзу-ниятларига эришяпти. Бу мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлигининг ибратли намунасига айланди. Эндиликда бу таърибани кенг ёйиш устида иш олиб бориляпти.

Албатта, ушбу ютуқлар таълим тизимида ишлар рисоладатидек йўлга қўйилган, дегани эмас. Айниқса, олис ҳудудлардаги ёшларга таълим беришда сифат ўзгаришларига эришиш ҳамон допзарблигича қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилдан эътиборан Навоий давлат кончилиқ институтига қишлоқ ҳужалиги, Навоий давлат педагогика институтига тиббиёт факультетлари ўз фаолиятларини бошлайди.

Албатта, буларнинг барчаси олдимизга қўйилган вазифалар урдаланди, муаммолардан холимиз, дегани эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, юксак марралар йўлида уларни четлаб эмас, бартараф этиб боришимиз зарур. Мазкур масалада, табиийки, бадамлик ва дахлдорлик хисси муҳим аҳамиятга эга. Бошқачароқ айтсак, бу янги Ўзбекистоннинг ривожланиш ва салоҳият синергияси, яъни ягона мақсад йўлида қучлар бириляшидир.

Навойдан йўлга чиқиб, Нурота тоғ тизмасидан ўтишингиз билан магистралнинг икки томонида қир-адирликлар бошланади. Йўлнинг чап томондаги кенг яйловлар Ҳозгонтоғ тизмаларига бориб туташади. Ўзунлиги 40, эни 6 километргача чўзилган мазкур тоғ бурмаларида энг нодир мрамар ва гранит конлари жойлашган. Улар кўкиш, булутли, пушти, оч сариқ, яшил — жами 45 хилдан ортиқ рангга эга. Ўта иссиққа ва намга чидамлилиги, ишлов учун қўлайлиги унинг ноёблигини янада оширади.

Табиий пардозбоп тошлар “водийси”



Айни пайтда Ҳозгонда кўҳна тоштарошлик санъати ва замонавий саноат келажига замин яратилмоқда. Президентимиз бундан уч йил олдин Навоий вилоятига таърифига чоғида Ҳозгондаги мрамар ва гранит конлари неғизда табиий тошларни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, бу ишларни кластер тизимида амалга ошириш вазифасини қўйган эди. Топшириққа мувофиқ, “Мармаробод” давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Бир йил давомида 10 миллиард сўм маблағ эвазига даштликдаги 6 гектар ерда замонавий корхона ишга туширилди. Хориждан 655,5 минг долларлик технология олиб келиниб, йилига 24 минг квадрат метр гранитни қайта ишлаш имконияти яратилди.

Асосий мақсад лойиҳа қувватини йилга 3 миллион квадрат метрга етказиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва экспортга йўналтиришга қаратилмоқда. Бунинг натижасида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 250 миллиард сўмга, экспорт 10 миллион долларга етиши, бир ярим мингга яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда ягона ҳисобланган мазкур кластернинг худуди 37 гектар. У ўз таркибига гранит ва мрамар конларидан тортиб ишлаб чиқариш корхоналаригача қамраб олган. Ҳозирги кунда Паштош, Паргат конларининг устки қисмини очиб билан биригилди янги усуллар ёрдамида гранит тошлар ҳам қазиб олинапти. Карьерлар тўлиқ очилиши билан кўнлик ҳажм 200, йиллиги эса 72 000 куб метрга етиши керак.

— У барча қайта ишловчиларни хомашё билан таъминлайди, — дейди корхона раҳбари Шавкат Шарипов. — Унинг йиллик қуввати 70 минг куб метр табиий тошни қазиб олишга мўлжалланган. Бу ҳажм дастлабки босқичда бош корхона-

нинг ҳам, тадбиркорларнинг ҳам эҳтиёжини тўла қондиради.

Бундан ташқари, кластер таркибида ғозонлиқ маҳаллий тадбиркорлар учун 10 та ишлаб чиқариш биноси барпо этилди. Уларни қуриш ва замонавий қайта ишлаш дастхоналари билан жиҳозлаш учун ишбилармонларга имтиёзли кредитлар тақдим этилди.

“Мармаробод” худудида банк, сервис хизматлари, ўқув маркази, эҳтиёт қисмлар ва дастхоналар дўкон ташкил қилинди. Унинг дилерлик тармоғи пойтахтимизда ва бошқа вилоятларда ҳам тобора кенгайиб борапти. Ушбу филиаллар орқали хориждорлар ўз яшаш манзилидан туриб, исталган тур ва ҳажмдаги маҳсулотга буюртма бериши мумкин. Яна бир жиҳати, харидорларни топишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган саноат кооперацияси портали ҳам яқин кўмакчи бўлаётир.

Яқинда шаҳар макомини олган Ҳозгоннинг яқин келажagini ба-мисоли табиий пардозбоп тошлар “водийси”га қиёслаш мумкин. Бу ерда биз ҳикоя қилган корхоналар қаторида табиий пардозбоп материаллар ишлаб чиқарувчи “Navoi Process Stone” ҚҚ ва “Gazgan stone” МЧЖ ҳам фаолият кўрсатмоқда. “Gazgan Marble Grup” МЧЖ эса гранит тошларни қайта ишлашда ҳосил бўладиган уволардан композит қоплама материаллар тайёрлашга ихтисослашган.

Айтиш мумкинки, Ҳозгон пардозбоп тошлар бўйича Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi брендини юзага келтирувчи алоҳида ишлаб чиқариш маконига айланмоқда. Айни пайтда бу ерда кичик саноат қувватлари 170 дан ортиб, қўшма корхоналар сони 8 тага, табиий тошларни қазиб олиш билан шуғулланувчи бизнес субъектлари 25 тага етди. Худудий экспорт ҳажми эса 900 минг долларни ташкил этади.



шириб, 5 минг 800 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Яна бир муҳим жиҳат — инвестиция ва инновация. Улар бир-бирига эш жараён ва ривожланишнинг қўш қаноти. Бунга, ўз навбатида, очиқ ва шаффоф инвестициявий муҳит, ҳуқуқий қафолат мустаҳкам таънаҳ ҳамда ишонч бўляпти. Мамлакатимиздаги түб ўзгаришлар Навоий вилоятида ҳам чет

этилади. Нурота туманида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотозлектр станцияси қурилиши ҳам инновацион лойиҳалар сирасига қиради.

2019 йилда Президентимиз фармони билан Навоий вилояти инновацион, қорни технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни муҳассас этган эркин иқтисодий зонага айлантирилиши ривожланишининг янги ўзанларига асос солди. Натижада маҳсулот Учкудўк ёки Томдининг олис овулида ёки Нурота тоғ тизмаларидаги қувватда ишлаб чиқарилишидан қатъи назар, агар у рақобатдош ва экспортбоп бўлса, индустриал худудлар учун яратилган имтиёз ва рағбатлар берилди, қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда “Навоий” ЭИЗ худудидида жами 46 та корхона неғизида 63 та лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилнинг январь-июль ойларига улар томонидан жами 2008,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 160,1фоиз, экспортнинг 253,5 фоиз ортганидан далолат беради.

Яна бир эътиборга молик рақам. Вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 76,2 фоизи охириги 3 йилда ташкил этилган. Бу республикада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича энг юқори поғонада турганимизни намоян этади.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағларининг режадан орртириб бажарилган қисми худудлар ихтиёрига қолдирилиши йил-





жида ўнлаб юртдошларимиз, ҳатто хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф буюради. Чунки халқ таъбибатида сил, жигар циррози ва бошқа дардларни даволашда туя сутти тавсия этилади. Туя жунидан тайёрланган белбоғлар, кўрпа-тушаклар эса одамларни бел огриғи, шамоллаш асоратларидан фориғ этади.

— Бугунгача фермер ҳўжалигимиздаги 50 та она туядан 20 таси болалади, лекин ҳозирча уларни соғмаямиз, — дейди чорвадор. — Яқин кўнларда туялар ветеринария кўригидан ўтказилгач, тажрибали туя соғувчиларни бу ишга жалб қиламиз. Туя сутти минг дардга даво, деб бежиз айтилмаган. Масалан, туя сутидан тайёрланадиган шубатдан ички аъзолар касаллиқларини даволашда фойдаланилади. Фермер ҳўжалигимиз номини айнан шундан келиб чиқиб қўйганмиз.

Фермер бугун овулдошлари ва маҳаллий меҳмонларга шубат, чет элликларга эса туяда сайр қилишни таклиф этапти. Айни чоғда у ташриф буюрувчиларга қу-



Янги Томди томонларда

Томди. Янги Томди. Одамларидек бағри кенг яйловлар юрти. Айтишларича, бир замонлар бу бўлғал ўртасида Аллоҳнинг каромати билан бир булоқ пайдо бўлган экан. Шу бўлғал атрофига чорвадорлар бирин-кетин келиб томли уйлар қуриб, бу маскани Томдибулоқ, деб атаб яшай бошлаган.

Доимо майин шабада эсиб турувчи бу даладашлар бағри баҳорда жаннат тусини олади. Бундай пайтда Томди кенгликлари минг турли чечаклар ичра ястанди. Апрель ойидан то май ойининг ярмигача бу ерларда қизгалдоқлар салтанати ҳукмрон бўлади.

Баҳорнинг серёғин кўнлари бошланиб тез-тез шаррос қўйиб ўтадиган абри найсонларни томдликлар “Тўлки тудди ёмғири”, дейдилар. Эмишчи, илиқ ёмғирли кўнларда тулкилар болаларимиз. Осмонни булут қопламасдан қуёш майин нурларини таратиб турганда дастлаб катта-катта қумуш томчилар замин билан галлашандек шивирлайди, сўнг шаррос ёмғир ёғиб ўтади. Шу кезлар чўлларни болдек ширин ҳаво оралайди. Намлик кўтариллиши билан бўзтўғайларнинг овози дилингни рон этади.

Томдида янги тонг отди. Қаердандир отларнинг кишнаши эшитилди. Қўлулар бу кенгликларнинг эрка болалари. Улар ҳахитдан отлар уюрига қўшилиб ўтлоқлар томон кетмоқда. Туяларнинг буталоқлари ҳам тонгда ўзларини шўхликлардан тўтиб туролмайди. Томди кенгликларида ўзоқлардан отлар уюрлари шамолдек елаётганини кўрсангиз, туячилик фермерларнинг туялари сахро томон босайинми, босмайинми дегандай, бемалол одимлайди. Туялар бу ерларда ўзи хон, кўпнакеси майдон. Чунки беоёниқларга биринчи бўлиб туя қарвонлари келган. Бу ерларда қандай яшашни бошқа жониворларга туялар “ўргатган” десак хато эмас.

Томдида сурув-сурув қўйларнинг қора маржондек яйловларга сочилишини кўриш завқли. Атрофни янги соғилмиб пиширилган сутга қоришган ноннинг хиди тутди. Бу ернинг келинлари қаққон. Улар халқ қуёш тағтига олмасдан патирларини ёлиб, супаларини супуриб, ҳовлидаги гулларни парваришлаб бўладилар. Янги Томдида 12 гектар ер мевали бонга айлантқирилди. 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди. Тиббиёт бirlашмаси, 80 уринга мўлжалланган қўп тармоқли поликлиника, 7 та қишлоқ врачлик, 26 та фельдшерлик-акушерлик пунктлари туманининг 7 та овул фуқаролар йиғини аҳолисига хизмат кўрсатади.

Кўёш кўтариллиши билан Томди гўзалларнинг қўлида соябонлар кўтарилди. Томдида 14,9 минг нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 69,2 фоизини қозоқлар, 29,4 фоизини қоракалпоқлар, 1,2 фоизини ўзбеклар, 0,2 фоизини бошқа миллатлар вакиллари ташкил этади.

Томди мамлакатимизни қорақўл тери, гўшт, жун ва сут маҳсулотлари билан таъминлайдиган йирик туманлардан бири. Мустақиллик томдликлар ҳаётида ҳақиқий бахт зигирини очган бўлса, у кейинги тўрт йил ичиди чўл бағридаги ҳавҳарга айланди. Туман марказида ўрнатилган “Ucell” уяли алоқа компанияси базаси “Аяқдўк”, “Бирлик”, “Керегетая”, “Кериз-булак” “Жанашаруа” ширкат ҳўжаликлари марказида “Узобойла” уяли алоқа компаниялари иш бошлагани томдликларни дунё билан боғлади.

Туман иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлган чорва моллари сонини қўпайтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ижобий натижаларга эришилди. Охириги 4 йил давомида туманда майда шохли моллар сони 153 фоизга, йирик шохли қорамоллар сони 2,3 баробарга, отлар сони 134,2 фоизга, туялар сони 171,5 фоизга, жами қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиши суърати 189,6 фоизга ортди.

Томдида 2018-2021 йиллар давомида умумий қиймати 196,5 миллиард сўмлик 142 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, аяғидан 762 та иш жойи яратилди. Янги Томди кўргониди 3 босқичда 180 та хонадон газгольдер ускунаси орқали суқюптирилган газ билан таъминланди. “Ёшлар меҳнат гузари”, “Давлат хизматлари маркази”, 18-умумтаълим мактаби бинолари қурилди.

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 3 та мактаб, 1 та мактабгача таълим муассасаси бинолари, 2 та савдо маркази, 6 та кўп қаватли бино, 80 та яқка тартибдаги турар жой, 9 донга хизмат уйи аяғидан қурилди. 5 та мактаб ва 5 та мактабгача таълим муассасаси ва 4 та қишлоқ врачлик пункти 5 та ҳаммом, 6 та маҳалла биноси қайта реконструкция қилиниб, мукамал таъмирланди. Аҳоли бандлигига қўмақлашган маркази, суд бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йиллар давомида аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган 60,7 км ички ва умум фойдаланувдаги йўллар, 7,5 км сув тармоғи қўйдаланишига топширилди. Овул фуқаролар йиғини таркибиди 32 аҳоли пунктда 16 та мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси интернет тармоғига улангани пандемия шароитида онлайн сабақларнинг сифатини оширди. Томди тажрибали чорвадорлар, меҳнатдан қочмайдиган мардлар, истеъдодли инсонлар юрти. Мустақиллик йиллари “Бирлик” ширкат ҳўжалиги бош чўпони Серикбай Сағатов “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган фидойилардан 40 нафари мамлакатимиз орден ва медаллари билан тақдирланган.

Томдликларнинг фахри ва ифтихорлари — Бажар жирау, Бердали тоқа, буюк шоир Умирзақ Қожамуротов, Қайназар Шотбақсовларнинг номлари қўшни Қозғистонда ҳам маълум ва машҳур. Уларнинг китоблари икки халқ севиб ўқийдиган асарларга айланган.

Томди фарзанди, тиббиёт фанлари доктори, профессор Парахат Менликулов, аёллардан чиққан биринчи олима Амина Оспанова, геолог Топегин Қаржауов, биология фанлари номзоди,

генетик Игилик Жазиқовларнинг ишларини бугунги кунда ёшлар давом эттирмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 25 апрелдаги “Навоий вилоятининг олис чўл туманлари аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан туман ёшларининг 134 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

“Темир дафтар”га туман бўйича 345 та оила киритилган бўлиб, бугунгача 340 та оила бу дафтардан чиқарилди. 400 нафар ишсиз аҳолининг бандлиги тўлиқ таъминланди.

Томдликлар юксак эътиқодли инсонлар. Ҳа, бу заминда яшаш учун уни чин дилдан севиш керак. Уларнинг ватанга муҳаббати эса ҳалол меҳнатлари, олижаноб феъл-атворларида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон меҳнати қадрланганлар юрти. Жумладан, туманининг иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий ишларида фидойиллик кўрсатган томдликлар ҳам давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари, кўрак нишонлари билан тақдирланмоқда. Диққатга сазовор жойи шуки, туманининг 7 нафар фуқароси кўксини “Дўстлик” ордени безаб турибди. Булар орасида “Томди” ширкат ҳўжалиги бош чўпони Кенесбек Қожагадиев, 18-умумтаълим мактаби директори Улғаш Мадреймова, “Томди шаруагери” тахририяти муҳаррири Шамил Абдусаматов, туман тиббиёт бirlашмаси бошлиғи ўринбосари Камаш Нағашбаевалар ҳам бор. Томдлик ёшлардан тумандаги 13-умумтаълим мактаби тўғарак раҳбари Максат Калбаев “Шуҳрат” медали, “Керегетов” овул фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Ердали Амирханов ҳамда Туман Ички ишлар бўлимининг канцелярияси бошлиғи Ергаз Тубетовлар “Халқлар дўстлиги” кўрак нишонлари билан тақдирланиши туман ёшлари янада руҳлантириб юборди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган иқтисодий ва иқтисодий ислохотлари ҳаётга таътибқ этишда фидойиллик кўрсатаётган томдликлар ҳузурига борсанг кетгинг келмайди. Бугунги кунда туманда мавжуд 205 та фермер ҳўжалигида 308 602 бош майда шохли мол, 5 274 бош от, 4 169 бош туя, 5 376 бош қорамол мавжуд бўлиб, шундан 204 та қўйчилик, 10 та туячилик, 2 та қорамолчилик, жами 243 та фермер ҳўжалигида 160 435 бош майда шохли мол, 3 620 от, 2 250 бош туя, 2 160 бош қорамол ва 16 820 парранда боқилмоқда.

Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча бедор тунлар, беором кўнлар бор. Томдибулоқ овул фуқаролар йиғинига қарашли “Risdaulel” фермер ҳўжалигининг раҳбари Жалғас Боранов, Аяқдўк овул фуқаролар йиғинига қарашли “Bekturzaev Gali” фермер ҳўжалиғи раҳбари Байғани Баймурзаев каби ўт-овол йиғитларнинг ҳақ иқиссининг ёнида ҳўзаларга ўхшаган ўндан зиёда ёшни чорвага меҳр билан ишлаётганини кўрдик.

Халқ эртакларидан берида кетаётган одам чексиз кенгликларда сурув-сурув қўйларни кўриб “Ҳой, бу қўйлар, йилқилар кимники?” — деб сураганда “Лайлакбойни” — деб жавоб берган экан. Энди эртаклар ҳақиқатга айланди. Менга ҳамроҳлик қилган Томди туман ҳўқими ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зибта Тўлекова билан кенгликлари айланар эканмиз, уюр-уюр отларни, сурув-сурув қўйларни кўриб сураймиз:

- Бу отлар кимники?
- Бу отлар Жалғасбойники.
- Бу туялар кимники?
- Бу туялар Байғаниники.
- Бу қўйлар Жалғасбойники.
- Бу моллар Байғаниники.

Бундай фермер ҳўжаликлари туманда икки юздан ортиқ. Кўёш уфққа бош қўяётган пайтда биз туман маркази томон йўл оламиз. Оқшом тушиб, қош қорая бошлаган, дашт йўлида қоришнинг айрича завқи бор. Кенгликларга номозгар салқини тушиши билан барча тирги жониворлар уяларидан ташқарига чиқади. Югюриб ўтаётган тулкилар, қуёнлар, кюрмонқоқлар.

Катта йўлдан болаларини эргаштириб ўтаётган типратикан “хола”га дуч келдик. Бизнинг доимий беминнат шофёримиз Зиббахоннинг ўғли Нурсултон югюриб тушиб типратиканларнинг четга чиқишига ёрдам беради.

Бир каттага йўлга чиқиб келайлик-чи, дебсизларда, жониворлар, — дейди Нурсултон кирпировийларнинг ортидан бокчи.

Биз равон йўлдан марказга қайтдик. Қўчалар ранг-баранг чироқлар билан безатилган. Дарвозалар олдида, ҳовлилардан номозшомгуллар очилиб, райхонлар буй таратган.

— Мана қўрин! Янги Томди оқшомлари! — дейди гурурланиб дугонан. Биз машинадан тушиб Зиббахоннинг уйи томон юрар эканмиз, ҳовлилар ёнидаги ором-қурсоларда ўтириб гурунлашаётган кексалар, ўзлари учун махсус жиҳозланган ўйингоҳларда завқланаётган кичкинтойлар, минифутбол майдонларида чиниқаётган йиғитларни кўрамиз. Қаердандир думбира чертган жировнинг хониши эшитилди.

Жиров овозидаги оҳангга мос тушган сўзлар эшитган одамни сеҳрлаб қўяди. Унинг қўшиғи юрт ҳақда. Қалби нур билан тўлган чўнлар, бардош метиндан мустақкам йилқибқоқларлар, меҳри чўлларга соябон бўлган туябоқларлар, уларнинг орзу-армонлари ҳақида. Унинг қўшиғи бағрида той-чоқлар кишнаётган, буталоқлар онасини эмаётган, бошда бўзтўғайлар була очаётган юрт — Томди, янги Томди ҳақида.

Зуфия МЎМИНОВА,
шоира,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими

Қўшақифа материалларини “Янги Ўзбекистон” муҳбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ тайёрлади.

ТАРАҚҚИЁТ ВОҲАСИ

Бу саробмас, чўл мўъжизаси

Навоий вилоятининг Конимех тумани ҳақида гап кетганда беоён кенгликлардан иборат чўл кўз ўнгимизга келади. Тўғриси ҳам шундай. 1965 йилнинг охирида ташкил этилган, умумий майдони 9,25 минг квадрат километрга тенг бу туман аҳолисининг аксарият қисми чорвачилик билан шўғулланади.

— Отам машҳур чорвадор бўлган. Қўллаб тенгдошларим ўқиш баҳона турли шаҳарларга, ҳатто хорижга ҳам чиқиб кетишди, — дейди қаҳрамонимиз, тумандаги “Қарақ-ата шубат” фермер ҳўжалиғи раҳбари Алмурат Хожабоев. — Ростини айтман, тенгдошларимнинг овулни ташлаб кетишига ишсизлик, турмуш шароитининг огирлиғи сабаб бўлди. Бугун эса энг олис чўлда яшайдиган чўпон фарзанди ҳам юртидан олис кетишни истамайди. Қўм барханли, янтоқ тепали чўлларимизга ҳам замонавий технологиялар кириб келди. Туяю ийلكи, қўй-қўзининг ортидан машина олиб, дангиллама уй қуриб яшаётганлар кўпайди.

Бугун қўпчилик тadbиркор бўлишни орзу қилади. Хўш, тadbиркор бўлиш учун нима қилиш керак ўзи? Конимехнинг ялдоқ чўлу биебониди “Қарақ-ата шубат” фермер ҳўжалиғини ташкил этиб, чорвачиликни йўлга қўйган замондошимизнинг савй-ҳаракатларидан ана шу саволга жавоб излади.

Алмурат Хожабоев шу овулда туғилди. Отаси ортидан чўл кезиб, қўй-қўзи боқиб, ўпгайди. Болалигидан чорвачиликнинг сир уасорини ўрганди. Шу боис ҳам янтоқ ва дўрангидан бошқа нарса ўсмайдиган чўлу биебонга макон қуриб, дастлаб чўпон, кейин фермер ҳўжалиғи раҳбари бўлди. Отамерос касбини улуғлаб, чорвачиликни йўлга қўйди. Меҳнатидан ҳикмат излаб, туячилик билан шўғулланишни афзал билди.

Айрим одамлар наздида туячилик истиқболсиз соҳа. Аммо билиб ишлаганга чорвачиликнинг ушбу тармоғи қони фойда. Буни туя боқиб, бири икки бўлган, рўзғорига барака кирган одамлар жуда яхши билади. Ахир “сахро кемаси” бўлган бу жониворлар аҳолининг огирини енгил қилиш билан бирга, саноатбоп жун, шифобахш сут ҳам беради. Масалан, халқ таъбибатида туя сутидан тайёрланган қимрон алоҳида қадрланади. Алмурат ака туячиликнинг бу жиҳатларини тажрибали одамлардан ўрганди, ўзи ҳам синашга бўлди.

— Туячилик чорвачиликнинг энг сердаромад тармоқларидан бири, — дейди у. — Шунинг учун юртимизнинг чўл ва яримчўл ҳудудларида яшаётганлар, хусусан, чўпон-чўликлар туя қўпайтиришга интилади. Мен ҳам 2017 йилда “Қарақ-ата шубат” фермер ҳўжалиғини ташкил қилиб, туя, ийلكи ва қўй-қўзи боқишни йўлга қўйдим. Ҳозир 150 бош туя, 140 бош ийلكи ва 900 бош қўй-эканм бор. Уларни парваришлашим, озуқа жамғаришим учун яйловдан ер ажратилган. Чорвам яйловда ўсадиган явшан, янтоқ, туякорин, шойир, қўмарчат, қўйрақ каби ўсимликлар билан озиқланади. Яйловда чорва моллари учун алоҳида отар бўлиб, у ерда чўпон уйи, қўра-қўтонлар ва сув чиқариш ускуналари мавжуд.

Эътиборлиси, кейинги пайтда фермер хонадонига келиб-кетувчанлар кўпайиб қолди. Ҳар қуни бу ерга туя сутти ва қимрон ичиб, дардларига даво топиш илин-

лай шароит яратиш учун меҳмонхона ва умумий овқатланish шохбасиси қуриш ҳаракатини бошлаб юборган. Шунингдек, экотуризмни ривожлантириш мақсадида, янги лойиҳалар устида изланмоқда. Хусусан, ҳудудда ўртача 50 кишига мўлжалланган даволаниш маскани қурмоқда. Мазкур маскан миллий урф-одатларга мос ўтовлар қўринишда бўлади. Чўлда жойлашган бу меҳмонхона ва экотуризм учун мўлжалланган ҳудуд Навоий — Учқудуқ трассаси бўйида жойлашган.

— Яна бир гап. Ҳозир ҳўжалигимдаги 140 бош ийлканинг 60 боши она бия бўлиб, шундан соғилдигани 20 бош, — дейди Алмурат ака. — Айтиш кераки, нафақат туя ва бия сутти, балки қўй ҳамда эчки сутти ҳам қўллаб касалликларга даводир. Шунинг учун келгусида эчкиларни соғиш ҳам қўзда тутилган.

Бугун Алмурат Хожабоевнинг икки ўғли унга елкадош бўлиб, чорвачилик ортидан рўзгор тебратмоқда. Ёзининг жазираси, қишнинг қаҳратони ҳам уларнинг шаштини туширмайди. Чунки отамерос касбини эъзозлаган фарзандлар ҳам Алмурат ака сингари меҳр билан қилаётган меҳнатиди барака борлигини билади. Ота-ўғиллар биргаликда катта режалар тузишган. Ўз юртининг чўлу саҳросини ҳам боғу бўстонга алишмаган чорвадорлар қоракўлчиликни ривожлантиришни, овулдошларига иш уринларни яратишни уйлайди. Айни пайтда 12 маҳалладошини ишли қилган Алмурат ака келгусида улар сонини 50 нафарга етказишни режалаштирган.

Алмурат аканинг ҳомчўти бўйича 50 та туя бешта оилани боқади. Бошқача айтганда, ўн киши иш билан таъминланади. Бунинг натижасида ишга муҳтоқ, рўзғордаги етишмовчилик туфайли қийналган оилалар юки енгилланади. Ёш муҳими, у отамерос касбининг машаққати огир бўлса-да, баракаси сероб, савоби бисёрлигини ҳамиша ёдда тутайди.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўртачўлнинг Раъноси

Унинг яшаш жойи — дала. Далалар бошига келган тўрт фасл унинг ҳам бошидан ўтади. Ёмғирлар билан ернинг ҳам, унинг ҳам орзулари қўқаради. Қорлар даланинг ҳам, унинг ҳам ризкинни беради. Қурғоқчилик даладан аввал унинг бағрига ўт қўяди. Лаблари қуриб, экинлари қовжираб бораётган далалар унинг меҳр тўла кўксига бош қўяди. Бевақт ёққан дўллар энг аввал аччиқ қамчилари билан унинг елкасини савалайди, дилини вайрон қилади.

“1984 йилда пахта қаторларига ишлов бераётиб, химикатдан заҳарландим. Улим билан олишиб ётар эканман, икки дунё оралиғи бор-ўйи бир қадам эканига, одамзод то тирик экан, эзгу ишлар қилмоқча шошилмоғи зарурлиғига икор бўлдим. Агар омон қолсам, бу омонат дунёда завқ-завқ билан меҳнат қилиб, имкомин борица одамларга хўжаликлар улашман, деб ўз-ўзимга сўз бердим”.

Охири кўринмас, тикану саксув ол босган Ўртачўл кенгликлари ўтдан асрнинг 90-йилларида қатра сувга зор бўлиб ётар эди. Раъно Валиева “Кел энди, шу тупроқдан толемини излайин, пешонамга битилганини сизла-йин” деб, тупроқни алқаб, заҳмат чекиб, чўлини гулистонга айлантиришга ҳажд қилган инсонлардан.

Сув муаммо, шўр яна бир муаммо эди. Фермернинг 12 нафар доимий ишчиси бор, ҳосил йиғиштиришда қирқ кишига етади. Шулар билан заҳмат қазиди, дала шийлоки қурди. Унинг савй-ҳаракатлари билан бетон қувурлардан сув келди. Тўрт юз туп ўрик, унинг ёнига мевали ва манзарали дарахтларнинг қирқ хилини эқди. Картошка, шўлғом, пиёз, лавлаг, турп, сабзи... Молларни, қўйларни қўпайтирди.

Ана энди қўраверинг, боғи Раънони томоша қилаверинг. Боғни соялаб, оралаб юрган паррандаларни айтмайсизми. Санаб санаёғига етиб бўлмас ўз-юзлаб товуқ, чийиллашиб ётган жўжалар, қурқалар, ўрдақ-ғозлар ва ҳатто қўёнларни кўриб кўзингиз

яйрайди. Чўл бўлсаям, шу ерларда қолиб кетгингиз келади.

Фермер Раъно Валиева жамоаси билан Ўртачўлнинг ҳансираб ётган бағридан 150 гектар ерни ўзлаштириб, пахта, бўғдой хирмонларини юксалтирди. Жаммасларни давлат режаларини зўрга юз фоизга етказиб, дўпписини осмонга отса, “Валиобод” фермер ҳўжалиғи режаларини биринчилардан бўлиб удаллайверди. Режалар шунчаки юз фоиз эмас, энг кам 120-130 ва ҳатто 150 фоиз бўлди. Унинг чўлга келганига ҳам 22 йил тўлди.

— Умидларим мўл, орзуларим бисёр, — дейди Раъно. — Аёл зоти нималарга қодир эканини исботлаб яшашим керак. Чўлда ишлаш қийин. Даламизни, насос билан сўғорамиз. Деҳқончилик юракнинг қони билан бунёд бўлarkan. Кечикишни кечирмайди ер. Кечикиш — мағлубият. Ерни тўйдиршиш керак. Ердан каромат кутган деҳқон унга мурувват қўрсатиши шарт. Пешонасини шўр босса, силаш керак, қовиш керак. Қувсаб, ҳансираб, қақраб сизга ўра қилса, сув топиб бериш керак. Дийдаси қотиб бораверса, юмшатиш керак, мадори қуриса, ўғит бериш керак.

Раънони излаб, соғиниб, саратоннинг авж палласида Ўртачўлга бордим. Чарчайсиз, иссиққа чидамайсиз, деб огоҳлантиришди. Қўлоқ солмадим. Ёшим 17 далагини айтиб туриб олдим (гарчанд тексариси бўлса ҳам. Бировларга айтиб юрмассизлар...).



Кетдик. Тиканлар, қумлар билан тўлиб кетган чўл, чўл...

Бардошдан дарс бериб турган Қўқотов салобат тўғиб турибди.

Уша қуни иссиқ шаҳарда 45 даража эди. Чўлда қанча, билмаймиш. Орият учун чидаб борапман, борапман.

Ниҳоят етиб бордик. Бир-икки кезтар ерни эгалладим ўрикдор, икки юз-уч юздан ошқ товуқ, жўжа, қурқалар. Қамига қуёнлар, қўйлар, моллар (санасак, баракаси учармиш). Ҳовузда баликлар ҳам бор.

Бугдойзор четидидаг букри, айри дарахтлар уларнинг машаққат билан қўқараётганини айтиб турибди. Раънонинг қаватида ишлаётган ўн икки йиғитнинг мол-қоллари ҳам шу ерда қўпаймоқда. Катта-катта хашак гарамлар молларни қишдан олиб чиқади.

Раънонинг қўқонини беэаб турган медаллар ва “Эл-юрт ҳўрмати” ордени, туман, вилоят кенашлари ва Олий Мажлисга депутат ҳамда сенатор этиб қайта-қайта сайланганлари халқи ва ҳўкуматининг унга билдирган ишончидир.

Майли, гапни чўзмайман. Бу йилда ҳам дон етиштириш режаси биринчилар қатори бажарилди. 52 гектар ердан 70 центнердан галла хирмони тикланди. Ишлаб чиқариш ошириб бажарилди. 30 гектар ердаги пахта-лар мени тезроқ тер, деб турибди. Худо хоҳласа, ҳосилдорлик одатдаги-

Хосият БОБОМУРОДОВА,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган маданият
ходими

Қизилтепа тумани,
Ўртачўл маъзеи

МИЛЛАТ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШГАНЛАР ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Кейинги йиллардаги изланишлар самарасида аниқланган маълумотлар асосида ёзилган қуйидаги битиклар ҳар қандай кишини дарзага солади: “Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида қўлаб ота-боболаримиз, ҳатто момоларимиз миллат озодлиги учун курашга отлангани боис, мустабид тузум томонидан турли баҳоналар билан қораланиб, авахталарга текилган. Жуда кўпчилиги отувга ҳукм қилиниб, номаълум жойларга қўмиб юборилган”.



Бахтиёр ҚАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Қатағон
қурбонлари хотираси давлат
музеи директори

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши асосида Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи тuzилди. Мазкур гуруҳ томонидан 2021 йил 7 январь куни мустабид тузум даврида қатағон қурбонли бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган шахсларнинг рўйхати тақдим қилинди. Бу шахсларнинг етти нафарига нисбатан жиноят ишлари Ўзбекистон Республи-

каси Давлат хавфсизлик хизматининг архивида сақланаётгани аниқланиб, жиноят ишлари қақиртирилган. Олий судга 2021 йил 24 февралда 115 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, улар ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилган. Мазкур жиноят ишларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари (ҳукм ёки бошқача қарор) мавжуд эмаслиги, ишларда фақатгина Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ)нинг ушқик мажлиси баённомасидан кучирма борлиги аниқланган.

Жумладан, Носирхон Тўра ва бошқаларга оид (92 нафар шахсга нисбатан) жиноят иши юзасидан: 1930 йил 27 октябрдаги суддан ташқари БДСБнинг ушқик мажлиси баённомаси кўчирмасига кўра, Мансурбай Ширғазиев, Мат Ибрагим Урунбаев, Джурабай Кари Мир Исхаков, Тохтасун Балтабаев, Хамра Ходжа Малля Ходжаев, Аббасхан Кари Азиз Ходжаев, Халмирза Умурақов, Ходжибай Абдубаев, Акрамхан Тўра Малля Ходжаев, Мухаммадиев Ахмадша, Хасанбай Рустамов, Абду Гани Садиқбаев — Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78, 14-78 ва 67-моддалари билан отиб ташланган.

Келинг, шу ўринда Носирхон тўра Камолхон тўра ўғли ҳаёти мисолида мустабид тузум даврида кечган воқеаларга тўхталиб ўтсак...

Носирхон тўра Камолхон тўра ўғли 1873 йил дунёга келган. Наманган, сўнг Бухоро мадрасаларида тахсил олган. 1913 йил Ҳаж ибодатини амалга ошириб, Намангандаги Мавлави ва Мулла кирғиз мадрасаларида мударрислик қилади. 1917 йил Наманганда тузилган “Шўрои Ислom” жамиятининг раҳбари сифатида Наманган шаҳар Думасига сайланади. Туркистон Мухторияти эълон қилинганида Маориф ноизи лавозимига сайланади. Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан қонга ботирилган, икки йил давомида Мулла

Эргаш ва Мухаммад Аминбек ёнида уларга гоёвий раҳбар бўлади.

Ташаббускор ва шижоатли зиёли 1920 йил совет давлати умумий афв эълон қилганидан сўнг 1923 йилгача Маҳкамаи Шайрияда иш олиб боради. У 1923-1924 йиллар шўроларнинг “батраклар иттифоқи”га азалий вақф ҳужалиги бошқаруви аъёналарини жорий этиши натижасида қисқа муддатда яхши иқтисодий ютуқларни қўлга киритади.

1924 йилнинг августида Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлининг барча мулклари давлат томонидан тортиб олиниб, ўзи Самарқанддаги “тузатиш уйи” (исправдом)га юборилади. 1925 йил 3 йилга Оренбурга сургун қилинади. У ерда Мухаммад Вали Ҳазрат хонадонида яшаган Носирхон тўра Шарқ мутафаккирлари Жамолиддин Афғоний ва Мухаммад Абдулҳаллининг асарлари билан яқиндан танишади. Жамолиддин Афғонийнинг форсий рисоласини ўзбек тилига таржима қилади. Бу тўғридан-тўғри таржима бўлмай, унга ўз фикр ва қарашларини сингдирган эди. Ваҳоланки, дин, иймон йўқ жойда на маориф, на фан, на маданият, на санъат ривожланади. Бу жамият инсониятга ҳеч бир яхшилик келтирмайди. Талайдилар, ўлдирадилар, ёқадилар, сўнг алапокибат, ўзларини ҳам ҳалок этадилар, деб ҳулоса қилади.

Носирхон тўра 1928 йил 10 август Оренбург сургунидан озод бўлиб, Наманганга қайтади. 1929 йил кузида кирғиз шоғирдлари ва дўстларининг тақлифи билан тоққа йўл олади. 29 октябрь куни Ранжит тоғи этагидида ўққа тутилади. Содиқ дўсти Отантой Сотилғонов уни Мозор қишлоғида икки-уч кун даволатиб, зудлик билан Косонга етказишга ҳаракат қилади.

Мазрифатли ва жасур бу йигит тоғда собиқ кўрбошилар Дадабой, Мадумар, Истамбек, Мирвали билан қурлтой ўтказган. Чотқолда 2 000 га яқин аскар жамлаб, инглиз, афғон ва хитой томонлари билан алоқани йўлга қўйган, деган миш-мишлар тарқалганини эшитди. Шундан сўнг уйга кириш хавфли эканини англаб, қуйи Косонда дўстларининг уйида қолади. Халқ орасида ГПУ айбқўчлилари Носирхон тўрани топа олмаётгани ҳақидаги гаплар авж олганидан хавотирга тушган Истамбек ҳам тоғдан келиб, Қушон қишлоғида кўним топади.

Шундай кунларда Носирхон тўра яна ўзининг иш дафтарини қоралашга тушади. Мамлакатда ун икки вазиралик бўлиб, ҳар бирининг вазифасига тўхталиб ўтади. Жумладан, Маориф назирлиги таълимни бидъат ва хурофотлардан холи, фойдали ва аниқ фанларга асосланиб ислоҳ этади. Бошланғич, ўрта ва олий таълим ташкил этиб, дарслик ва муаллимлар фаолиятини йўлга қўяди. Сиёсий бўлимнинг асосий вазифаси эса мамлакатни, мусулмонларни ҳар хил ички ва ташқи хавфлардан ҳимоя қилади. Жамиятда ҳақиқий адолатнинг қарор топиши учун курашади. Шунингдек, эркин матбуот, солиқларни чеклаш каби қўлаб тақлифларини баён қилади.

1930 йил 8 июнига келиб, биргина Наманган вилоятида Носирхон тўрага боғлиқликда айбланиб, юздан ортиқ киши қамоққа олинади. Ваҳоланки, унинг қарерда эканлиги ГПУнинг айбқўчлилари томонидан тўлиқ назоратга олинган эди. 1930 йил 26 июнь куни Тўрақўрғонда Қоратов этагидида кетаётган Носирхон тўра ва одамлари яна ўққа тутилади. Отишмада унинг шоғирди ва содиқ дўсти Истамбек ҳалок бўлади.

Отантой Носирхон тўрани қидириб, Нанай томонга йўл олади. Дўстларидан хабар бўлмагач, у Қошғарга кетишга қарор қилади. 1930 йил 7 июль куни Носирхон тўра ўғли Ҳасанхон билан йўлга тушади. Бирок ГПУ айбқўчлилари уларни 1930 йил 15 июль куни Ўш округ, Толдик совхозидан 10-15 қақирим узоқликдаги яйловода қўлга олишган.

1930 йил 20 август куни илк сўроқда жасур зиёли шўро сиёсатига нима учун қарши экани сабабларини ошқорча баён қилади. 15 сентябрь куни уни даҳшатли қийноқлар остида бир неча варақча имзо чекишга мажбур этишади. ГПУ жаллодлари 1930 йил 27 октябрь куни Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлини отувга ҳукм қилади. Ҳукм 1931 йил 13 апрель куни Тошкентда ижро этилади.

Албатта, бу каби қабих ҳўқимлар сабабли миллатнинг қанчалар асл фидойилари ҳалок бўлди. Уларнинг пок номлари оқланиши учун узоқ йиллар керак бўлди. Ниҳоят, адолат қарор топди. Бугунги мустақил ва обод ҳаёт учун кураш олиб борган, ҳатто ўз жонини фидо қилган қатағон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбида мангу яшайди.



АКС-САДО

Эзгу мақсадларни кўзлаб қилинган иш, албатта, бир кун ўз самарасини бермай қолмайди. Бугун бунинг биз давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев гоёси ва ташаббуси билан ташкил этилган мактаблар — Президент мактаблари, ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар мисолида кўришимиз мумкин. Ўтган қисқа вақтда мазкур муассасалар ўқувчилари ўзларининг юксак истеъдоди ва лаёқатини намоён қилиб улғуришди, бир қатор халқаро олимпиадалар, кўрик-танлов ва мусобақалар қолиблагини қўлга кириштиб келмоқда. Хорижийнинг нуфузли олийоҳлари талабасига айланмоқда. Булар ҳаммаси ниҳолга ўз вақтида берилган эътибор ва парваришнинг натижаси, шубҳасиз.

“БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ...”

ЁХУД МИЛЛИЙ АДАБИЁТИМИЗ ГЎЗАЛ АСАРЛАР БИЛАН БОЙИСИН!

Нигора МАННОПОВА,
Эркин Воҳидов номидаги
ижод мактаби директори

Шунга қарамай, мазкур мактаблар, хусусан, ижод мактаблари Ўзбекистон таълим тизимида, керак бўлса, ҳаётон таълим тизимида мутлақо янгилик бўлгани учун уларнинг махсус механизми, концепцияси ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган эди. Шу сабабли мазкур таълим муассасаларида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор эди. Аммо Ўзбекистон Президентининг жорий йил 19 июлдаги “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилингани айнаи мудоао бўлди. Қарор анча-

мутаржимларни тайёрлаш мақсадида “Ёш таржимонлар тўрағи” ҳам йўлга қўйилди. Бу билан ҳозирги адабий муҳитнинг энг катта оғриғи бўлган маҳоратли таржимонлар етишмаслиги муаммоси ҳал этилади. Бундан ташқари, ижод мактабларида ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида веб-дизайн, компютер графикаси, тасвирий ва рақамли санъат, аудиовизуал асарларни яратиш ва қайта ишлаш ҳамда актёрлик маҳорати сингари ихтисослаштирилган тўрақлар ҳам очилди.

Қарорда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Президент мактаблари битирувчиларига давлат олий таълим ташкилотларига умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча давлат гранти асосида, ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган мак-



дан бери бизни ўйлантириб юрган масалаларга оқилона ечим бўлди.

Қарорга биноан, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги Президент таълим муассасалари агентлиги этиб, агентлик хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги жамғармаси Иқтидорли ёшларни қўлаб-қувватлаш жамғармаси этиб қайта номланди. Шунингдек, қарорда 2021-2025 йилларда Агентлик тизимида 13 та янги ихтисослаштирилган мактабни барпо этиш ва мавжуд 5 та ижод мактабини таъмирлаш, уларни зарур ўқув адабиётлари ва моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш назарда тутилган.

Қувонарлиси, Агентлик тизимидаги ижод мактаблари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича “Йўл ҳаритаси” тасдиқлангани бўлди. Унга кўра, ижод мактабларида ихтисослик фанлари: махсус адабиёт, матншунослик, нукъ маданияти ва нотиклик санъатидан ўтқ дастурлари ва дарсликлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Тан олиб айтиш керак, мазкур фанлар бўйича қатъий дастур ва дарсликнинг йўқлиги таълим сифатида сезиларли таъсир этиб келаётган эди. Қарорга биноан, Агентлик таркибида Илмий-методик кенгаш ташкил этирилиб, профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи мутахассислар ёрдамида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ижод мактабларида маҳорат дарслари ташкил этилиб, уларга Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ёзувчилари, юксак унвонларга сазовор бўлган адиблар, актёрлар, режиссёрлар ва бошқа маданият ва санъат вакиллари бириктирилади. Ўйлаётганимиз, келажакда халқ шоири ёки халқ ёзувчиси бўлишни орзу қилган ҳар бир ёш ижодкор учун бу жуда катта мотивация ҳисобланади. Шу билан бирга, ижод мактабларида маҳоратли

табларнинг битирувчиларига ихтисослик йўналишидан келиб чиқиб, давлат олий таълим ташкилотларига бакалаврият таълим йўналишларига умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари базавий тўлов-контракт асосида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Албатта, бу имтиёзлар таълим сифати таъсир қилмай қолмайди. Масалан, ижод мактаблари ўқувчилари шу пайтгача ижод ва адабиёт билан шуғулланиш ўрнига асосий вақтини кириш имтиҳонларига тайёрлаш билан ўтказар эди. Бу ҳолат ижод мактаблари миссиясига мутлақо тўғри келмасди. Шундай ҳолатлар бўлганки, ёш ижодкорлар шеър ёзиш, таржима билан шуғулланиш, янги асар устида ишлаш туғул бадиий асар ўқишга ҳам вақти бўлмаган. Ақинча, математикадан эҳти-моллар назариясини ўрганишга мажбур эди. Янги қарор бу каби муаммоларга оқилона ечим бўлди. Ана энди ёш ижодкорлар ўз истеъдодини рўёбга чиқаради ва миллий адабиётимизни гўзал асарлар билан бойитади, албатта.

Қарорда яна қўлаб масалаларнинг ҳуқуқий асоси яратилган. Ишонимизки, бу каби иқомият ва шароитлардан келажакимиз эгалари унумли фойдаланган ҳолда, юртимиз учун, халқимиз учун хизмат қиладиган малакали, шижоатли ва фидойи кадрлар бўлиб етишади. Зеро, қўзлаган устувор мақсадимиз ҳам шу. Бу ёшлар — ниҳоллар вақти келиб улкан дарахтга, дарахтлар улкан боқча айланади. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним айтганидек:

*Бу назм боғига қиролмас ҳазон,
Бизни маҳе этолмас*
*завол лашкари.
Мен кетсам, мунгаймас*
*умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали!*

ТАҚДИМОТ

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислom академияси, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий илмий-тадиқот марказлари томонидан диний-маърифий соҳада олиб борилган ишлар ҳамда истиқлолнинг 30 йиллигига бағишланган диний-маърифий нашрлар тақдими бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров сўнгги йилларда марказ томонидан диний-маърифий соҳада амалга оширилган илмий-тадиқот ва ноширлик ишлари, шунингдек, марказнинг фаолияти ҳақида сўз юритди. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 16 июлда имзолаган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган асосий вазифалар ҳақида маълумот берди.

Тадбир доирасида марказ нашр қилган, унинг кутубхонасида сақланаётган, Европада ўрта асрлардан бошлаб чоп этилган, мазмунан Шарқ олами билан боғланган беш юз саксонга асар рўйхатини ўз ичига олган “Шарқ ва Фарб” фикришти биринчи жилдининг тақдими ҳам ўтказилди.

Шунингдек, “Бухоро — Ислom олами маданияти пойтахти” китоб-альбому, шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қоран. Краткий комментарий” — Қуръони карим оятлари маъноларининг рус тилидаги таржимаси ҳамда олий таълим муассасалари учун ўзбек ва рус тилларида тайёрланган “Диншунослик” ва “Религиоведение” китоблари ҳам тақдим этилди.



Айтиш лозимки, марказ томонидан шу пайтгача 12 номдаги китоб ва рисола нашрга тайёрланиб, 5 та китоб чоп этилди, 7 таси таржима қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ислom академияси томонидан Маждуддин Мухаммад Уструзонийнинг “Жомеъ аҳком ас-сиғор” асари, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадиқот марказлари томонидан нашрга тайёрланган китоб ва рисола-лар тақдими ҳам ўтказилди.

Тадбир давомида Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳақимов Россия Федерациясидан ватанимизга қайтарилган XIII-XIX асрларга оид қимматбаҳо маданий бойликларни Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази фондига расман топширди.

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия ҳукуматлари раҳбарлари даража-сидаги қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши доирасида муқаддам мамла-

катимиздан ноқонуний олиб чиқиб кетилган ва Россия Федерал божхона хизмати томонидан ушлаб қолingan 45 нага маданий бойлик қайтарилди, — деди А.Абдуҳақимов. — Улардан 29 донга қўлэзма китоб XIX аср охири — XX аср бошларида форс ва араб тилларида ёзилган. 16 донга турли сюжет бўйича 7 донаси XIX аср охири — XX аср бошларида, 9 донаси XX аср ўрталарида ясалган. Ушбу маданий бойликлар 2016 йилда Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний олиб чиқиб кетилган. Ўзбекистонга оид тарихий, бадиий ва музей қийматидага эга маданий бойликлар халқимизнинг ноёб мулкидир.

Қайтарилган маданий бойликларни Божхона қўмитаси, Маданий мерос агентлиги мутахассислари иштирокида Ислom цивилизацияси марказига топшириш ишлари ташкиллангандир.

— Халқимиз маданий меросининг асраб-авайланиши, янада бойиб боришига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимиздан гоът мамнунимиз. Бундан кейин ҳам бу борада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёриймиз, — деди Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ўткир Қодиров.

Сўнгги беш йил мобайнида халқимизга тегишли 450 га яқин қўлэзма асар, ноёб танга ва осори-атиклар сақлаб қолingan божхона орангларининг маданий меросимизни асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшаётганидан далолатдир.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тахририятга келган қўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компютер марказида сақланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2744.
76603 нускада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳих: Ойдин Алёутдинова
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топирилди — 01:30